




100 китоб
түплами

МОШ ЕТИШТИРИШ



12-китоб

AGROBANK

100 китоб тұплами

МОШ ЕТИШТИРИШ

12-китоб



Қишлоқ хўжалигини илмий асосда йўлга қўймас
эканмиз, соҳада ривожланиш бўлмайди.
Ш. МИРЗИЁЕВ.

Хурматли дехқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар!

Жаҳон миқёсида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда азроғсиз соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, яхшини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдорлик ва мағафатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий таъдушувларни жорий этиш долзарб масаладир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Majlisiga йуллаган Мурожаатномасида, камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ яхшини даромадларини кўпайтириша энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самараదорликни кескин ошириш эканлигини ансабда таъкидлаб ўтдилар.

Бу жараёнда ҳар гектар ердан олинадиган даромадни ҳозирги ўртача 5 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб ўтсандилар ва қишлоқ хўжалигига энг илфор технологиялар, сувни тежайдиган ва сийахитологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни жорий этишимиз лозимлиги белгилаб берилди.

“Агробанк” АТБ мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор сийахитнишига ҳисса кўшиш учун нафақат молиявий, балки ижтимоий лойиҳаларни агарар соҳага сармоя киритишга эътибор қаратмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигига эришилган ютуқлар тажрибалар асосида соҳанинг етук мутахассислари, олимлари билан фермерлар ва аҳоли учун дастлабки босқичда ушбу 100 та китобдан агарар кўлланмалар тўплами тайёрланди.

Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз яхшини асосий ҳамда тақрорий экиш муддатида етишириш, иссиқхоналарда ишлаб чиқариш, галлачилик, дон ва дуккакли экинлар, чорвачилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илфор тажрибаларига оид кенг илмий ва амалий маълумотлар берилган.

Ушбу лойиҳани келажакда тажрибали дехқон ва фермерларимиз, чорвадорларни агарар кўрсанларимиз, агарар соҳа вакиллари ва бошқа китобхонларимиз фикр-норсаузлари ҳамда таклифлари асосида янада такомиллаштирамиз.

Унад қиласизки, ушбу кўлланмалар тўплами Сиз – дехқонлар, чорвадорларни агарар кўрсанларимиз учун фойдали бўлади.

Досилингиз мул-кул, даромадингиз баракали булсин!

Рустам Маматқулов,
“Агробанк” АТБ Бошқарув раиси.

№ 33325.

УЎК633.31/.37:634.8.032

КБК 42.113

М 78

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: “Агробанк” АТБ

Тузувчилар:

Х.М. Атабаева – Тошкент давлат аграр университети «Соя ва мойли экинлар» кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Ж.Б. Худайкулов, А. Р. Анорбаев, Х.А. Идрисов.

Тақризчилар:

А.И. Нурбеков – Тошкент давлат аграр университети Агробиология факультети «Ўсимликшунослик» кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Ф.М. Ҳасанова – Паҳта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари ИТИ профессори, қ.х.ф.д.

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзулаев, М.С. Ҳайитбоев

Муҳаррир: Т. Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ муассислигига тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсияларга тузувчи муаллифлар маъсулдир.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида “Агробанк” АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ хўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илғор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма “Агробанк” АТБ тухфасидир

© “Агробанк” АТБ – 2021

© Нашриёт уйи “Тасвир” – 2021

© “Colorpack” МЧЖ – 2021

ISBN 978-9943-6678-8-4

 | МУНДАРИЖА

Кириш	7
Мошнинг аҳамияти, келиб чиқиши ва тарқалиши	9
Систематикаси ва морфологияси	15
Ривожланиш даврлари ва ташқи муҳитга булган талаби.....	20
Мош навлари тавсифи.....	24
Мошни етиштириш	28
Етиштирилган ҳосилни ўриб-янчидан олиш	41
Мош заараркунандалари ва уларга қарши кураш чора-тадбирлари	43
Мош касалликлари ва уларга қарши кураш.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	60

КИРИШ

Мамлакатимизда барча жабҳаларда бўлгани каби аграр соҳада ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида яқин ва олис истиқболда қишлоқ ҳўжалигига таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш ва ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт саноҳиятини кескин ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда дунёning барча давлатларида озиқ-овқат таъминоти масаласи устувор вазифалардан бирига айланган. Хусусан, сайёрамизда рўй бераётган глобал исиш жараёни туфайли баъзи ҳудудларда сув тошқинлари, баъзи ҳудудларда эса ҳаддан зиёд сув танқислиги юз бераётганлиги, турли табиий оғатларнинг кўпайиши, биринчи навбатда, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шундай мураккаб вазиятлар кузатилаётган бир пайтда мамлакатимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги барқарорлик, бозорларимиздаги мўл-кўлчилик, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси сифатида баҳоланса муболаға бўлмайди.

Дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунта-

зам таъминлаш борасыда республикамизда қулай тупроқ-ик-лим шароитларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар йили бошоқли дон экинларидан бүшайдиган бир миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларида 120-130 кун давомида тақрорий экин сифатида маккажұхори, мөш, соя, шоли, тарық, кунжут, ем-хашак экинлари, картошка ва турли хил сабзавотлар экилиб, бир йилда иккى мартагача юқори ва сифатлы ҳосил етишириш имкониятлари мавжуд.

Экинлар структурасининг ўзгариши дуккакли-дон экинларидан юқори сифатли ҳосил етишириш учун интенсив технологияларни амалга оширишни талаб қиласы. Шундай технологиялардан бири суғориладиган майдонларда экил-ган бошоқли дон экинларини йиғишириб олингандан сұнг, бүшаган майдонларда мөшнинг әртапишар навларини тақрорий экин сифатида әкиб, дон етиширишни күпайтириш-дан иборат.

Хозирги вақтда юртимизда донли, дуккакли, мойли экинларга катта әзтибор қаратилиб, экин майдонлари кенгайти-рилмокда. Декончилікни ривожлантириш ва ердан унумли фойдаланиш учун катта имкониятлар очилди. Бугунги кунда әнг асосий муаммолардан бири бу оқсил масаласи, яғни инсониятнинг оқсилга бұлған талабини қондириш. Бу масала-ни ечишда дуккакли - дон экинларидан мөш үсимлигининг аҳамияти катта.


МОШНИНГ АҲАМИЯТИ, КИЛИБ ЧИҚИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ

Республикамиз шароитида кузги буғдойдан 60-70 ц/га, тақрорий экин сифатида етиштириладиган мош экинидан эса 15-20 ц/га дон ҳосили етиштирилиб, бир мавсум давомиди етиштириладиган дон ҳосилини 75-90 ц/га етказиш имконийлари мавжуд. Ер юзида дуккакли-дон экинлари 135 млн гектар майдонга экилади. Дуккакли-дон экинлари орасида мош экиладиган майдон ҳажми жиҳатидан жаҳонда соядан (дунё буйича соя майдони 74 млн гектарга яқин) кейин иккинчи уринни (25 млн гектарга яқин) эгаллаб, учинчи уринда нуқат (дунеда жами 10 млн гектарга яқин) туради.

Марказий Осиё ва Кавказорти Республикаларида мошдан озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланилади. Мошдан тайерланган ун макаронга қўшилса, унинг тўйимлилиги инада ортади. Мош дуккакли-дон экинлар гурӯхига мансуб бўлиб, донида кўп миқдорда 24-28% оқсил тўпланади. Ундан озиқ-овқат саноати билан бирга чорва ҳайвонлари учун тўйимли ем-хашак ҳам етиштириш мумкин. Шунингдек, мошнинг илдизларида туганак бактерия ривожланиб, эркин азотни узлаштириб, тупроқ унумдорлигини оширади.

Инсоннинг овқатланиши унинг ёши, жинси ва меҳнат фаолигитига боғлиқ бўлган ҳолда турлича бўлиши лозим. Кундалик рационда инсон оқсил, углеводлар, витаминлар, минерал моддалар ва бошқаларни истеъмол қилиши лозим. Инсон қанчалик турли-туман озиқланса, унинг ҳаёт фаолияти шунчалик фаол, организм эса шунчалик соғлом бўлади. Тўъкидлаш лозимки, инсон организми маромда фаолият

курсатиши учун оқсилга талаб бир кунда унинг вазнининг ҳар бир килограмми учун 0,7 г дан кам бўлмаслиги лозим.



Мошкурда



Мош бутқаси



Мошкичири



Мошугра



Мош-харчо




Мошдан паште

Мошдан тайёрланадиган таомлар

Озиқ-овқат учун ишлатиладиган дуккакли-дон экинлари орасида мош дони озуқавий қиймати, оқсил ва витаминларга бой бўлиши, калориясининг кўплиги билан ажralиб туради. Мош озуқавий қиймати билан буғдой, ловия, нұхат, күк нұхат ва жавдар донларидан 1,5-2 баравар, тўйимлилиги бўйича эса 1,5 баравар устун туради. Мош таркибидаги оқсилнинг ҳазмланиши 86% га етади. Мош таркибida оқсил 24-28%, лизин 8% >, аргинин 7% > бўлади, В ва PP витаминлар ўзбек бўлади.

Бундан ташқари, мош дони аминокислоталар ва магний, кальций, олтингугурт, натрий, темир, марганец, мис, бор, кобальт, никель, йод, фосфор тузларига бой. Айрим мамлакатларда ҳам мош донидан салат тайёрланади.



Мошдан тайёрланган салатлар

Макарон ва қандолатчилик саноатида мosh унидан 30% кўшилса, сифати тубдан яхшиланади. Ем-хашак сифатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мosh пичани таркибида ўртача 15% оқсил бўлади. Мosh сидерат сифатида анғизида етиштирилса, ундан 200-250 ц/га кўк масса олиш мумкин.

Мosh – энг яхши сидерат экин ҳисобланади, у кўкат ўғит сифатида ишлатилганда тупроқда 70 ц га қуруқ модда тўпланади. Мosh маккажӯхори, сабзавот ва бошқа экинлар экиладиган ерларда энг яхши сидерат ҳисобланади. Мosh ерда азот тўпловчи сифатида дон, техника экинлари ва сабзавотлардан олдин экиладиган энг яхши экинлардан бири. Уни баҳорда ва ёзда экиш мумкин. Мosh ерости сувлари юза жойлашганлигидан зааралланмайди, тез ўсади, яхши соя бериши билан ернинг намлигини сақлай олади ва бегона ўтлардан тозалашда фойдали экин туридир.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларида ривожланишини чекловчи омиллардан бири – уларнинг азотли бирикмалар билан етарли даражада таъминлаб турилмаслигидир. Бундай, яъни азот танқислиги шароитида ўсимликлар атмосфера ҳавосининг қарийб 80% ни ташкил этадиган молекуляр азот қуршовида бўлади. Дуккакли-дон ўсимликлари ўзида азот тўплаш хусусиятига эга. Дуккакли-дон экинлари ерда кўп миқдорда органик моддаларни тўплайди, бу билан деҳқончиликдаги азот балансини яхшилаб уларнинг айримлари қийин эрийдиган фосфатларни ўзлаштирадиган шаклга айлантиради. Дуккакли ўсимликлар илдизлари туганаклари даги туганак бактериялар ёрдамида атмосфера азотини биритириб олиб, азот билан тупроқни бойитади. Умуман, дуккакли-дон экинлари деҳқончиликда учта асосий вазифани: ўсимлик оқсили масаласини, дон етиштиришни кўпайтириш ва тупроқ унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

Шу үринда яна бир фактни келтириш үринлидир. Тупроқда жуда күп микроорганизмлар учрайди, яъни бир 1 г тупроқда миллионлаб ёки миллиардлаб бактерия бўлади. Ҳаво ва сувга нисбатан тупроқда бактериялар кўп учрайди. Тупроқ асосий манба бўлиб, ундан микроблар ҳаво ва сувга ўтиб туради. Таҳлилларга кўра, 1 га ҳайдаладиган ернинг 25 см чуқурликкача бўлган қатламида 3-5 тоннагача бактерия бўлади. Бактерияларнинг тупроқда тарқалиши тупроқнинг ҳусусиятига боғлиқdir.

Илмий манбалардан маълум бўлишича, мош вегетация даври давомида тупроқда 50-100 кг/га биологик азот ва органик моддалар тўплаб, ернинг табиий унумдорлигини ошириши билан бирга оқсил ва витаминларга бой бўлган шифобахш дон берадиган экинdir.

Олимларнинг маълумотларига қараганда, туганаклар турли катталик ва шаклда бўлади. Улар ўсимлик илдизида катчалик кўп ва катта бўлса, тупроқда шунчалик кўп биологик азот тўпланади. Ўсимликлар ҳосил қилган азотнинг 60-75% физини ўзлаштириб, қолган 25-40% қисмини анфиз кондицілари билан органик модда ҳолда тупроқда қолдира-ди. Бир қисми денитрификация жараёнида йўқолади.

Шунингдек, маълумотларга кўра, ўсимлик илдизидаги туганак бактериялар асосан гуллаш давригача интенсив ривожланади. Гуллашнинг бошланиши даврида углеводларнинг баргдан илдизга ўтиши сусаяди, углеводлар гул ва мева ҳосил бўлиши учун сафарбар бўлади, шунинг учун гуллагандан сунг бактериялар ўлиб туганак емирилиб, унинг ахлати органик моддалари тупроқда тўплана бошлайди. Бундан ташқари, уруғ таркибида ҳосил бўлган оқсил модда-си уртака 5-7% туганаклар ҳисобида бўлади.

Об ювонининг жазирама иссиқ кунлари (32°C)да дуккакли

ўсимликларнинг атмосферадан эркин азотни ўзлаштириб олиши қийинлашади, натижада ўсимлиқда азот етишмаслик ҳоллари кузатилади.

Тадқиқотчи С. Т. Негматова олиб борган тажрибаларда мошнинг “Радость” навини анғизга ҳар гектар ер ҳисобига 400 минг/дона/га меъёрда уруғ сарфлаб эртачи (1,07) экиб етиштирилганда ҳосилдорлик 19,3 ц/га, донидаги оқсил микдори 27,5% ни ташкил этиб, кечиктириб уруғ сарфи оширилиб (540 минг/дона/га) август ойининг (1,08) бошида экилганидаги мөш дони ҳосилдорлиги 14 ц/га ташкил этиб, таркибидаги оқсил микдорининг пасайиши (25%) кузатилган.

Мөш дуккакли ўсимлик сифатида тупроқ унумдорлигини яхшиловчи экин ҳисобланади, алмашлаб экиш маҳсулдорлигини оширади, азотли ўғитларни тежайди, гектаридан оқсил йиғишни кўпайтиришга имконият беради. Мөш бутун вегетация даври мобайнида ўзидан кейин тупроқда 2,5-3,0 тонна илдиз ва анғиз қолдиқларини қолдиради.

Кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мөш етиштирилиши натижасида тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари ижобий томонга ўзгариб, ундаги гумус микдори тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 0,008-0,012% га, умумий азот микдори 0,006-0,010% га, умумий фосфор микдори эса 0,007-0,010% га ортган.

Мошнинг келиб чиқиши Ҳиндистон билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда мөш жуда кўп мамлакатларда экилади. Чунончи, Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон, Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Эфиопия ва бошқа давлатларда катта майдонларда етиштирилади. Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, республикамизда ҳар йили такрорий экин сифатида 18-25 минг гектардан ортик майдонларда мөш етиштирилади.

I СИСТЕМАТИКАСИ ВА МОРФОЛОГИЯСИ

Мош – ловиянинг бир тури бўлганлиги учун унинг систематикаси ловия асосида кўриб чиқилади.

Phaseolus нинг 200 дан ортиқ тури бўлиб, шулардан 20 турларини маданий, экин сифатида фойдаланилади, қолганлари тарзий турларидир.

Келиб чиқиши бўйича турлар икки (Америка ва Осиё) географик групга бўлинади. Америкали групга қуйидаги кенг тарқалган турлар киради: оддий ловия (*Phaseolus vulgaris* L) пояси тук ёки чирмашадиган. Дуккагида 3-5 уруғ бўлади. 1000 уруғ вазни 200-400 г Уруғ ранги турлича, оқдан түқ сариқча; кўп гулли (*Phaseolus multiflorus* Lam) узун чирмашадиган пояси, оқ ва қизил гуллари, йирик уруғлари бор. 1000 уруғ вазни 700-1200 г; ўткир баргли (*Phaseolus lunatus acutifolius* Gray L) туксимон шаклида, кенг, қисқа, ясси, дуккакларида 2-3 уруғлари бор, тез ёрилади. Лима ловияси (*Phaseolus lunatus* L) – бир ва кўп йиллик шакллари мавжуд. Гуллари майда, дуккаги кенг, ясси, 2-3 дон бўлади. Дони йирик, оқ рангли, гоҳо бошқа рангда бўлади.

Осиё ловиясидан кўп тарқалган турлари: Осиё ловияси (олтинсимон ловия, мунго ловияси, мунго дуккаги, вигна моши деб ҳам номланади) – *Ph. aureus* Pip, адзуки-*angularis* Willch, шолисимон ловия *Ph. calcaratus* Piper хитобланади. Г.М.Попова *Ph. aureus* турини 3 та кенжа турга охратади: 1. s.sp.*indicus* G.Pop. – дуккаклари жуда ҳам нозик, дуккаклар бўйининг узунлиги 7 см гача ва эни 0,3-0,5 см бўлиб, дони майда, 1000 дона дон офирилиги 15-30 г келади. Ўрганишар ва кечпишар шакллари мавжуд. Улар асосан Ҳиндистонда тарқалган. Бундай мош кенжа тури вакилларининг

асосий пояси мустаҳкам ва тұғри турувчи шаклга эга булиб, ҳосилини комбайнда йиғиб олишга жуда қулай ҳисобланади; 2. s.sp.*chinensis* Q.Pop. – дуккаги катта, 9-17 см узунликда, үйғон (10 мм.гача); уруғи ҳам катта.

Тезпишар нав, Хитой ва Узоқ Шарқ мамлакатларида тарқалған. Собиқ Иттифоқ мамлакатлари учун ушбу кенжә тур бебаҳо турлар сирасига киради; 3. s.sp.*iranicus* G.Pop. – дуккаги үртача узунликда, унинг узунлиги 7-8 см булиб, 1000 дона дон оғирлигі 35-38 г.

Үртапишар, Үрта Осиё мамлакатларида, Афғонистон ва Эронда кенг тарқалған. Үсимлиги ерга ёйилиб үсади. Мош мезофит үсимлиги булиб, үзини-үзи чанглатади.

Мош (*Phaselus aureus Piper.*) – бир ииллик үтсімөн үсимликтік.

Илдизи. Үсимлик үқ илдиз булиб, бақувват ривожланған. Утупроқда 110-140 см гача чүкүрликта үсади, аммо илдизнинг асосий қисми ҳайдалма қатламда тарқалған. Мош үсимлигининг характерли хусусияти шундаки, бу үсимликни ҳар қандай тупроқ шароитида үстирилғанда ҳам унинг илдизлары да ҳаводаги эркин азотни үзлаштирувчи туганак бактериялар табиий шаклланади, тупроқдаги намлық ЧДНС нисбатан 65-70% ҳолатда бұлғанда туганак бактериялар шаклланиши учун әнг мақбул бұлади ва ҳар туп үсимлиқта шаклланған туганак бактерияларнинг сони үртача 80-88 донани ташкил қиласы. Шунингдек, мош үстирилған тупроқлардаги анғиз ва илдиз қолдиқлари билан 2,12% азот, 0,88% фосфор, ва 2,65 % калий озуқа элементлари тупроққа қайтиб, унинг унумдорлыгини тиклашга ёрдам беради.

Пояси. Пояси думалоқ күринса-да, қирралы. Үсиш даврининг бошидан шоналашгача тик, сұңг чирмашыб ёки ярим ётиб үсади. Бүйи 30-130 см гача булиб, үртача 50-60 см,

иёши шохланади. Ёншохлар ёйик, ёки тарвақайлаган ҳолда бўлади. Пояси катта майдонни этгалиши туфайли механизация ёрдамида йигиштириш оғи р. Пояси қорамтири тук билан қопланган. “Дурдона”, “Навруз”, “Қаҳрабо” навларининг пояси ўртача 68-95 см бўлиб, тик, яримбутасимон бўлиб ўсиши билан фарқ қиласди. Уларнинг пояси детерминант, яъни скланган типга киради.

Барги. Барглари мураккаб учтазлик (уч қўшалок), 12-17 см ли барг бандида жоилашади, майдана қорамтири сарғиш туклар билан қопланган, тукчаларининг ранги, қалин сийраклиги мошнинг нав белгиси ҳисобланади, барг бандлари иирик ва тун, барг банди ва баргининг орка томонида туклар кўп. Мошнинг барглари ташки кўринишидан ловиянинг баргларига ухшайди.

Тўпгули. Гуллари иирик, бина фша ва сариқ рангларда. Тўп тўп бўлиб жоилашган. Гулиниң 10-20 таси бир тупга бириккан. Шингилда гулнинг бир қисми ривожланмай қуриб қиласди. Мош, умуман, барча дуккакли экинларнинг гулларидан үзидан чангланувчан бўлиб, ултарнинг гули асосан ҳалимлассдан шонанинг ичидалик ҳолида чангланади, гулга үзидан гулнинг тожбарглари ю либ очиб кўрилса, унинг шаклланибулгарган ёки дуккаклари кузатилади. Гулнинг умумий тузилиши бошқа дуккаклilarникуига ухшаш. Дуккаги тўгри, эгилган ёки чўзиқ ингичка дуккак, уни үткири майдана қорамтири тук билан қопланган. Туклар дуккакка қорамтири тус беради узунлиги 5-18 см га етади ва бир дона дуккакнинг ичидаб-15 тагача уруғ бўлади. Ўсимлик поясидан осилиб туради, пишгандан ке йин тез йигиштирилмаса тоғнайди.

Мөпаси. Цилиндриксимон шаклл и учи учли, тўмтоқ кўришишли, навларига караб ҳар хил даражада тукланади, пи-

шиб етилгандың тұқ құнғир, қора рангли, узунлиги 8,5-14,5 см гача булиши мүмкін.

1-жадвал

Мош навларининг морфологик күрсаткышлари

T/p	Экиш мұддаты	Экиш мөйөри, минг/га	Поя баланылыгы, см	Пастки дүккак жойлашиши, см	Барғ сони, дона	Барғ юзаси, минг м²/га	Туганак сони, дона тұп
"Дүрдона" нағи							
1	12,05	200	64	10	16,6	27,7	31,7
		300	66	11	14,8	29,5	30,4
		400	67	12	13,6	33,1	27,5
2	20,06	200	63	11	17,1	28,7	34,9
		300	64	12	15,5	32,8	34,0
		400	66	13	14,4	34,7	32,3
3	01,07	200	61	11	14,8	27,5	30,4
		300	64	12	14,1	28,6	28,7
		400	65	14	13,6	29,9	27,1
4	10,07	200	60	9	12,8	25,3	24,6
		300	63	10	11,8	27,0	22,5
		400	64	12	10,9	28,5	20,3

Дуккаклари чатнайди, аммо янгидан интродукциялаш (ик-пимлаштиришнинг дастлабки босқичи) асосида яратилаётган ~~понси~~ тик ўсувчи навларнинг ўсимликларидағи дуккакларнинг ишкі қысмидә оқ момиқсимон түк мавжуд бўлиб, бу дуккаклар ~~натнамайди~~, донлари тўкилмайди, уларнинг пусти қаттиқ (пергамент қобиги) қалинлиги билан характерланади. Ҳар бир ўсимликда ўртача 46-78 донагача дуккаклар бўлиши мумкин. Ҳар бир дуккақда ўртача 8-12 донагача мош уруғи жойлашади.

Уруғи. Уруғлари кўпинча цилиндрический, юмалоқ шаклли, түк шишл, оч яшил, қўнғир яшил, оч сарик, қора ранги ялтироқ пустли, баъзан қалин тукли, уруғ паллали дон бўлади.



Ривожланиши

Шунингдек, мошнинг уруғлари майда, сал чўзинчоқ, ~~жами~~ 3-5 мм, ранги қорамтири, яшил, қора бўлади. Уруғ ~~кортигининг~~ ранги қора, баъзан оқ рангда ҳам бўлади.

1000 дона уруғининг вазни 50-80 г келади. Донининг уруғ қопчиғи аксарият ҳолларда оқ рангли чизикчалик. Дондаги оқсил миқдори үртата 24,3-27,2% гача, мой миқдори 0,5-0,8 % ни ташкил этиши мумкин.

■ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ ВА ТАШҚИ МУХИТГА БҮЛГАН ТАЛАБИ

Мош индивидуал ривожланиш даврида бир қатор органогенез босқичларини ұтайды ва улар қуйидагилар: 1) бұртиш; 2) униб чиқыш; 3) поянинг шохланиши; 4) шоналаш; 5) гуллаш; 6) дуккаклар ҳосил булиши; 7) пишиш; 8) тұла пишиш.



Униб чиқыш ва дуккак ҳосил қилиш даври

Иссиқликка талаби. Мош иссиқликни эңг күп талаб қыладыган әкінлардан ділдір. Үсимликларнинг нормал үсиши ва ривожланиши учун юкори ҳарорат талаб этилади. Уруғи 8-10 °C иссиқда униб чиқа бошлайды, аммо уруғлари тез ва қийғос униб чиқиши ҳарорат үртата 12-14 °C бұлғанда кузатилади, уруғининг әрта әкілганды униб чиқиши чўзилиб кетади, уруғларининг бир қисми чириши мумкин.

Бу жиҳатдан мошни такрорий экин сифатида экиш унинг иссиқликка бўлган талабига жуда мос келади ва 3-4 кунда тутла униб чиқади. Мош учун 18-22 °C ҳароратда энг мақбул шароит яратилади. Жазира машина иссиқда ҳам бемалол гуллаб, ҳосил тугаверади. Шоналаш ва гуллаш даврида 20-25 °C иссиқ булиши мақсадга мувофиқдир. Мош экини 45-47 дараҷагача иссиқликка чидамли. Мошнинг ниҳоллари ва катта фидаги ўсимлик совукқа нисбатан жуда таъсирчан, бир даражада совук уни нобуд қилиши мумкин. Мош кундузги иссиқ ва тунги салқинга, яъни ҳавонинг кескин ўзгаришига бардош бера олади. Мошнинг тезпишар навлари учун фойдали ҳарорат йиғиндиси 1800 °C, ўртапишар навлари учун 2000 °C ҳисобланади.



Гуллаш ва дуккак ҳосил қилиш даври

Ёруғликка талаби. Мош ёруғликка талабчан ўсимлик ҳисобланади. Дуккакдошларнинг ушбу тури ҳам узун, ҳам қисқа кун ўсимлиги ҳисобланади. Ўсиш даврининг биринчи, яъни туплагунга қадар даври анча чўзиқ ҳисобланади. Мошни соя жойларда (боғлар орасида) ўстириш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки соя жойларда ўстирилган мошнинг поясидаги бўғим оралиқлари чўзилади, поя ингичкалашади, ҳар тупда шаклланадиган мева қисмлари камаяди, оқибатда унинг ҳосилдорлиги пасайиб кетади.

Шунингдек, мoshни экишда қатор ораларини камайтириб, майдондаги ўсимликлар сонини ўртacha 350-400 минг тупдан ортириб юбориш ҳам мosh дон ҳосилдорлигининг камайишига олиб келади. Мosh ўз-ўзидан чангланувчи ўсимлик.

Ўсув даврининг узун-қисқалигига қараб маданий мosh қуйидаги гуруҳларга:

жуда эртапишар (75-90 кун);

ўртапишар (85-105 кун);

кечпишар (100-115 кун);

жуда кечпишар (115 кундан кўпроқ) гуруҳларга бўлинади.

Республикамизда етиширилаётган мosh навлари эса асосан ўрта эртапишар ва ўрта кечпишар бўлиб, уларнинг ўсув даври 90-120 кунга боради. Лекин шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, йилнинг иқлим шароитлари (ҳарорат, намлиқ) катта таъсир қилиб, ўсув даврини 10-25 кунгача ўзгартириши мумкин. Бундан ташқари, ўсимликнинг вегетация даври жойнинг денгиз сатҳидан қанчалик баландликда ва кенглиқда жойлашганилигига ҳам боғлиқ. Шимолий худудларда кун узун бўлганлигидан ўсиш даври анча ҷузилади. Чунки мosh қисқа кун ўсимлиги ҳисобланади. Уруги кеч экилгандан (масалан, анғизга) ниҳолларнинг униб чиқиши ва ўсиш кунлари сони қисқаради, яъни тақрорий экилган пайтида ўсиш даври баҳордагига қараганда 15-10 кунга қисқаради.

Намлиқка талаби. Намлиқка бўлган талабига қараб мезофит ўсимликлар гуруҳига киради. Мosh уруғлари тез бўртади, бунинг учун уруғнинг қуруқ вазнига нисбатан 90-92% миқдорида сув талаб этади. Мosh ўстирилган тупроқдан нам қочса ўсимликнинг ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсир кўрсатади. Мosh униб чиқиши учун ловиянинг бошқа турларига қараганда камроқ сув талаб қиласи, тезроқ ниш отади. Экилгандан 3-4 кун кейин майса пайдо бўлиши мум-

кин (ловиянинг бошқа турларида экилгандан 6-12 кун кейин майса кўзга ташланади). Гарчи мош экини жазирама иссиққа индамлилиги жиҳатидан ажралиб турса-да, ҳар ҳолда у қуруқ тупроқда суст ривожланади. Шу боисдан ҳам тупроқни сернам ҳолатда тутиш мошнинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсир кўрсатадиган ўоят муҳим шартлардандир.

Тупроқни ҳаддан ортиқ намиқтириб юбориш ҳам ярамайди. Акс ҳолда, уруғларнинг етилиши кечикади, натижада у сақлашга анча яроқсиз бўлиб қолади. Ҳатто ундан уруғлик сифатида фойдаланилганда ҳам яхши самара бермайди.

Одатда, мош кўкламда экилса, ўсув даври мобайнода 6-5 марта, анғизга экилгандари эса 2-3 марта гача суфорилали. Ҳар галги суфоришда гектарига 600-800 м³ меъёргача сув сарфланади. Мош ниҳоллари қурғоқчил шароитда ўса олмайди. Мошнинг гуллагандан кейинги даврида намга бўлгани талаби ортади, агарда тупроқда намлик миқдори 65% дебон кам бўлса, дони майдалашади, ҳосилдорлик камайиб кетади, илдизизда биологик азот тўпланиши амалга ошмайди. Пастки дуккаклари сарғая бошлагандан кейин суфориш туткатилиади.

Тупроқка бўлган талаби. Мош биологик хусусиятларига кўра тупроқка нисбатан талабчан эмас. Қора, буз, утлоқи буз, кумик, соз, сал шўрланган тупроқларда яхши ўсиб ривожланади.

Утлоқи буз тупроқлар Ўзбекистонда мош экиш учун энг яхши тупроқ ҳисобланади. Тупроқ таркибида озиқ моддалар кам бўлса ҳам мош илдизидаги туганак бактериялар ёрдамида ўзини ўзи азот билан таъминлайди. Барча тупроқларда мошнинг туганак бактериялари учрайди, чунки унинг илдизларидаги азот тўпловчи туганак бактерияларнинг фаолияти юқори баҳишадаги эркин азотдан фойдаланиш даражаси ҳар қандай тупроқларда ҳам юқори, сабаби мошнинг ўзига хос бўлган

азотобактерларнинг — Rhizobium phaseoli бактериялари барча тупроқларимизда ҳамиша мавжуддир.

Туганакларнинг фаолиятига тупроқларнинг ғовак бўлиши, намликни ЧДНСга нисбатан 70% да бўлиши талаб этила ди. Олинган маълумотларга қараганда, мosh ўзида тўпланган ортиқча тузларни ташқарига ажратиб чиқариш хусусиятига эга бўлганлигидан шўрга анча чидамлидир.

МОШ НАВЛАРИ ТАВСИФИ

“Наврўз” нави – Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институтида танлов йули билан яратилган бўлиб, 2005 йилда Давлат Реестрига киритилган. Дон ва кўк поя олиш учун асосий экин сифатида ҳамда такорий экин сифатида анғизга буғдойдан кейин экишга тавсия этилади. Пишиш даври 90-95 кун, ҳосилдорлиги гектаридан 14-16 ц, ўсимлик бўйи 95-100 см, уруғда оқсил моддаси 22-24%, 1000 дона уруғ вазни 60-65 г, поя кўриниши штампли, гули сарик, эртапишар нав, экиш муддати асосий экинда 20-25 апрель, такорий экинда 20 июнгача, уруғ экиш меъёри 10-12 кг.

“Каҳрабо” нави – Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институтида яратилган бўлиб, 2005 йилдан Давлат Реестрига киритилган жуда эртапишар нав бўлиб, баҳорда экилганда 90-95 кунда, такорий экилганда 80-82 кунда пишиб этила ди. Ҳосилдорлиги баҳорда экилса, гектарига 18-20 центнердан, такорий экилганда гектарига 14-15 центнерни ташкил этади. 1000 та донининг вазни 55-60 грамм, поясининг шакли тик ўсувланилиги билан характерланади, ҳосили механизмлар ёрдамида йиғиб олишга мос. Экиш муддати асосий экинда 25 апрель-5 май, такорий экинда 20 июнгача. Уруғ

Кишиш меъёри 14-16 кг.

“Радость” нави Ўзбекистон Шолицилик илмий-тадқиқот институтининг селекцион нави. Бутуниттифоқ Ўсимликуносилик институтининг N/4730x224501 намуналарини чатиштириш йўли билан яратилган.

Муаллифлари: М. М. Салтас, О. В. Буригина., М. Шадиева, Б. Юсупов, Х. Кўчқоровлар томонидан ушбу нав 1984 йилдан Республика бўйича субориладиган ерларда Давлат Реестрига киритилган. Ўсимлик ярим бута шаклда. Ўсиш даври 101 кун. Ўсимлик бўйи 60-70 см. Ҳосилдорлиги 17,2 ц/га, дон таркибидаги оқсил 24-27%.

Гули йирик, сарик рангда. Шингилда 6-8 та гул бўлади. Дуккаги цилиндрический. Биринчи дуккаклари 15-17 см баландликда жойлашган. Сийрак, тукли. 10-14 донли. Дони ўргача катталикда, узунчоқ, цилиндрический, хира-яшил, силлиқ. Ялтироқ, палласи ва кертиги оқ. 1000 дон оғирлиги 39-40 г. Татьми сифати яхши. Қишлоқ хўжалик касалликлари ва зараркунандаларига чидамлилиги билан характерланади. Кишиш муддати асосий экинда 20-25 апрель, такрорий экинда 20 июнгача, уруғ экиш меъёри 12-15 кг.

“Дурдона” нави. Мошнинг “Дурдона” нави Ўзбекистон Ўсимликуносилик илмий-тадқиқот институтида яратилган ва 2008 йилда Давлат Реестрига киритилган. Тезпишар нав бўлиб, биринчи дуккак майсалари униб чиққандан сўнг 60-63 кунда пишади. Бутунлай пишиш вақти 90-95 кун. Дуккаклари поясини устки қисмида шакланади, 20-25 дона бўлади ва терим учун қулайдир. Дон ҳосилдорлиги 25,0-28,5 ц/га ташкил этади. 1000 та уруғ вазни 85-87 г. Универсал нав. Сабзавот ва ғалла экинлари билан алмашлаб экиш тизимида маъсадли фойдаланиш мумкин. Тупроқ унумдорлигини оширади. Ўсимликлари юқори кўчат қалинлигига эга, озиқланиш

майдони 10-15x15 см. Баҳор ҳамда ёз мавсумида экишга ва тўлиқ ҳосил олишга яроқли. Турли хил таомлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг кўк массаси чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Экиш муддати асосий экинда 25 апрель-10 май, такрорий экинда 20 июнь-10 يولгача. Уруғ экиш меъёри 10-12 кг/га.

“Зилола” нави. Мошнинг “Зилола” нави Ўзбекистон Ўсимликунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган ва 2008 йилда Давлат Реестрига киритилган.

Ўртапишар нав бўлиб, биринчи майсалари униб чиққандан сўнг 70-75 кун ўтганда биринчи дуккаги пишади. Бутунлай тўлиқ пишиш вақти эса 90-95 кун. Дуккаклари устки қисмида шаклланади, сони 20-25 дона бўлади ва терим учун кулайдир. Дон ҳосилдорлиги 25,0-28,0 ц/га ташкил этади.

1000 дона уруғ вазни 87-90 г. Универсал нав. Сабзавот ва ғалла экинлари билан алмашлаб экишда самарали фойдаланиш мумкин. Тупроқ унумдорлигини оширади. Ўсимликлар юқори кўчат қалинлигига 10-15x15 см чидамли. Баҳорда ҳамда ёз мавсумида экишга ва тўлиқ ҳосил олишга яроқли.

Турли хил таомлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг кўк массаси чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

Экиш муддати асосий экинда 25 апрель-10 май, такрорий экинда 20 июнгача. Уруғ экиш меъёри 10-12 кг.

“Маржон” нави. Мошнинг “Маржон” нави Ўсимликунослик илмий-тадқиқот институтида яратилган ва 2008 йилда Давлат Реестрига киритилган.

Тезпишар нав бўлиб, биринчи майсалари униб чиққандан сўнг 60-63 кун ўтганда биринчи дуккаги пишади. Бутунлай тўлиқ пишиш вақти эса 90-95 кун. Дуккаклари устки қисмида шаклланади, сони 20-25 дона бўлиб, терим учун

жуда қулайдыр. Дон ҳосилдорлиги 25,0-28,5 ц/га ташкил этади.

1000 дона уруғ вазни 87 г. Универсал нав. Сабзавот ва ғалла экинлари билан алмашлаб экиш тизимида муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Тупроқ унумдорлигини оширади. Усимликлар юқори күчат қалинлигига 10-15x15 см чидамли. Баҳорда ҳамда ёз мавсумида экишга ва тұлиқ қосып олишга яроқлы.

Тұрлы хил таомлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Ұсимликнинг күк массаси чорва учун түйимли озуқа ҳисобланади.

Экиш муддати асосий экинде 25 апрель-10-май, тақрорий экинде 20 июнгача. Уруғ экиш меъёри 10-12 кг.

“Турон” нави. Мошнинг “Турон” нави Ўзбекистон Ұсимлик шунослық илмий-тадқиқот институтида яратылған ва 2012 иилде Давлат Реестрига кириллелегендегі деңгээлде оның мөнін сипаттауда қолданылады.

Үртапишар нав бўлиб, биринчи майсалари униб чиққандан сўнг 65 кун ўтганда биринчи дуккаги пишади. Бутунлай тұнғыш пишиш вақти эса 100 кун. Дуккаклари устки қисмида шаклланади, сони 20-25 дона бўлади ва терим учун қулайдыр. Дон ҳосилдорлиги 29,0-31,0 ц/га ташкил этади.

1000 дона уруғ вазни 82 г. Универсал нав. Сабзавот ва ғалла экинлари билан алмашлаб экиш тизимида муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Тупроқ унумдорлигини оширади. Усимликлар юқори күчат қалинлигига 10-15x15 см чидамли. Баҳорда ҳамда ёз мавсумида экишга ва тұлиқ қосып олишга яроқлы. Экиш муддати: баҳорда 10 апрель, ёзда 15 июнь. Экиш меъёри 12-16 кг/га. Турли хил таомлар



“Маржон” нави

Глиерлашда фойдаланиш мумкин. Ўсимликнинг кўк массаси чорва учун тўйимли озука ҳисобланади.



Пишиш даври



МОШНИ ЕТИШТИРИШ

Мамлакатимизда кузги бошоқли дон экинлари йиғишириб олинганидан кейин, уларнинг ўрнига такорий экинлар етиштириш учун қулай имконият бор. Айтайлик, бошоқли дон экинлари 15-20 июнь муддатида йиғишириб олинса, ундан кейин тўрт ой, 120-130 кун иссиқ ва ҳароратли кунлар давом этади. Шу ойлар мобайнида 1600-1800 °C фойдали ҳарорат йиғиндинисини заминимиз қабул қиласди. Бу эса Республика измизда кузги бошоқли дон экинларидан кейин такорий экинлар экиб, ҳосил олиш имкониятини беради.

Мош ем-хашак, сабзавот, дон экинлари учун ажратилган далаларга экилади. У жуда кўп экинлар, маккажӯхори, кузги бошоқли дон экинлари, картошка сабзавот экинлари, ғуза учун яхши ўтмишдош.

Мош сидерат экин сифатида ҳам экилади. У кўкат ўғит сифатида ишлатилганда ғуза ҳосили 40-60% ортади. Мош ўсиш даврида гектарига 50-100 кг азот тўплайди. У анғизга экилганда ҳам гектаридан 15-18 ц гача дон ҳосили беради.

Аннашлаб экишда у далани тула эгалламайди.

Тадқикотларнинг курсатишича, Фарғона вилоятининг ўтиши соҳи тупроқлари шароитларида қисқа навбатли алмаштираб экиш тизимларида кузги бўғдойдан кейин мош парвариш қилинганида, ундан 18,0-19,0 ц/га дон ҳосили олинган.

Тупроқни экишга тайёрлаш. Тупроқقا экиш олдидан ўтиш беришнинг мақсади — бегона ўтларни йўқотиш, тупроқнинг бир текис чуқурликка қадалиши учун устки қатламини муқобил юмшоқлигига эришиш, тупроқ юзасини тайёрлаш ва асосан тупроқ намлигини сақлаб қолиш, унинг тупроқ юзасидан буғланишини камайтиришdir.

Тупроқقا экиш олдидан ишлов бериш унинг механик сифати, ифлосланганлик даражаси ва намлик шароитларни боғлик равишда турлича технологик жараёнларни ўзинида олади.



Ерни шудгорлаш жараёни



Ерни шудгорлаш жараёни

Мош баҳорда әкіладиган бұлса, дала 22-25 см чүкүрлик да чизелланади. Эрта баҳорда бороналанади ва икки марта, биринчиси 10-12 см чүкүрликда, иккінчisi 6-8 см чүкүрлик да культивация қилинади, бороналанади, мола босилади.



Тупроққа юза ишлов бериш жараёнлари

Мош анғизга әкилгандан биринчи әкін ҳосили тез йиғиштириб олинади, дала суғорилади, ер етилиши билан 20-22 см түкүрликда ҳайдалади, бороналанади сұнгра талаб қилинса, мола бостирилади. Ерда йирик кесаклар ҳосил бұлса, оғир бороналар ёки ҳалқали ғалтаклар билан ишлов берилади. Кіттер оралари ишланадиган әкінлардан кейин дала бегона үтпәрдән тоза, яхши ишланған бұлса, ерни ҳайдамасдан 10-12 см түкүрлиқда культивация қилиб юмшатылади, кейин бороналаб, мола бостирилиб, ер әкишга тайёрланади.

